



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

20 21-yil “16” yanvar

К-38 -son

Termiz sh.

**“MUZRABOT RISE KLASTER” МЧЖга**  
**Музработ тумани “Қўнғирот Жайхун” ва**  
**А.Икромов массивларидан “Шоли экини**  
**экиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 11 январдаги 05-02/28-сон йиғилиш баёни, Музработ тумани ҳокимининг 2020 йил 04 декабрдаги 01-05/309-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. “MUZRABOT RISE KLASTER” МЧЖга Музработ тумани “Қўнғирот Жайхун” массиви худудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 859, 860, 452, 456а, 451, 455, 456, 458, 454, 453, 858қ, 866, 865, 862, 861, 874, 876, 878, 869, 869а, 873, 875, 870, 872, 867, 871-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 36,0 балл бонитетли жами 310,5 гектар, шундан 268,6 гектар суғориладиган экин ер, 0,2 гектар тутзор, 3,6 гектар яйлов, 14,5 гектар ариқлар, 3,9 гектар йўллар, 19,7 гектар бошқа ерлар ва А.Икромов массиви худудидан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 3, 5, 4, 12, 11қ, 18, 18а, 12а, 11қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 43,0 балл бонитетли жами 101,2 гектар, шундан 97,0 гектар суғориладиган экин ер, 1,4 гектар ариқлар, 0,5 гектар йўллар, 2,3 гектар бошқа ерлар, жами 411,7 гектар, шундан 365,6 гектар суғориладиган экин ер, 0,2 гектар тутзор, 3,6 гектар яйлов, 15,9 гектар ариқлар, 4,4 гектар йўллар, 22,0 гектар бошқа ер майдонлари “Шоли экини экиш” учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (Ж.Усмонов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов